2009 ЙИЛ, 9 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (11.338)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**

Янгиликлар, воқеалар

**АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА УЛУҒ МУТАФАККИР ШОИР, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ҲАЗРАТ МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.**

*9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун*

## УЛУҒ БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Бугун пойтахтимиздаги буюк аллома номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи мажмуасидаги Алишер Навоий ҳайкали олдида мутафаккир шоир таваллудининг 568 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирга давлат ва жамоат арбоблари, навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлардан иборат кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Маросимни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: «Истиқлол йилларида ушбу қутлуғ санани нишонлаш биз учун энг ёқимли, энг шарафли анъаналардан бирига айланди. Юртбошимизнинг маънавиятга, миллий қадриятларимизга кўрсатаётган доимий эътиборлари туфайли Навоий бобомиз ижодий мероси ҳам мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда, асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда. Аммо биз бир нарсани доимо ёдда тутамиз, яъни Навоий ижодини бутунича қамраб ола билиш ёки унинг тубига етиш ниҳоятда мушкулдир. Ҳали неча-неча авлодлар бу бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлғусидир, ўргангусидир. Нимаики инсонга хос бўлса, шоир бисотидан уларга тегишли муносабатни топиш мумкин. Шоир авваламбор инсонни улуғлайди ва ўз миллатининг, тилининг инсоният силсиласида юксак мақомга эга эканлигидан фахрланади. Шоирнинг идеали, пандлари ҳамма замонлар учун ибрат намунасига айланиб қолди, десак тўғри бўлади».

Тадбирда шунингдек, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Матиас Майер сўзга чиқиб, Навоий ижодига юксак баҳо берар экан, алломанинг бой адабий мероси нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олганлиги, унинг асарлари барча миллатлар учун тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Равшан Миртожиев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев Навоийнинг серқирра ижоди ҳақида ифтихор билан сўзладилар. Шоира Нодира Офоқова Навоийга бағишлаб ёзган ғазалини ўқиб берди.



Шундан сўнг маросим қатнашчилари, кенг жамоатчилик вакиллари мумтоз наволар остида эҳтиром билан Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Улуғ бобомиз таваллудига бағишланган тантанали маросим шу куни Шоирлар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали олдида шеърхонлик, ғазалхонлик мушоираси билан давом этди.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган тантанали маросимдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**





## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейда ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб уюштирилган тадбир «Сиз бизнинг ғуруримиз, шаънимиз, шавкатимиз» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент маданият коллежида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Барҳаёт сиймо» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Алишер Навоий — буюк давлат арбоби» мавзуида ўтказилган тадбирда мактабларнинг ўқитувчилари, ўқувчилари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари ва аъзолари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида «Алишер Навоий ижоди — миллий маънавий хазинамиз» мавзуида ўтказилган тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида уй ҳамшираси курси битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **КЕЧА** Марказий офицерлар саройида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Алишер Навоий — буюк мутафаккир ва давлат арбоби» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 358-мактабгача таълим муассасасида мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўқув семинари ташкил этилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижросига бағишланган мазкур йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва ташкилотлар ходимлари ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимлиги мутасаддилари иштирок этишди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) биносида Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Омбудсманнинг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилинди.**

● **Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалига 31 турдаги 69 та замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. АҚШ, Италия, Россия, Германия, Япония ва Хитойда ишлаб чиқарилган тиббий воситалар шифокорларга беморларни даволашда қўл келмоқда. Мазкур ускуналарни ишлатишга ихтисослаштириш мақсадида 17 нафар шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидаги тайёрлаш курсларига юборилди.**

● **Намангандаги «Бунёдтекстил» тикувчилик трикотаж фабрикаси Россиянинг «Вега Инвест» фирмасига 200 минг доллар ҳажмида маҳсулот тайёрлаб беришга киришди. Йилнинг иккинчи ярмидан ушбу корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач ишчилар сони 50 тага ортиб, 120 нафарга етади.**

● **Навоийдаги Мурунтов олтин конининг чуқурлиги 530-550 метрга етиб қолган ҳавзасидан маъдан тўла аралашмани ярим километр баландликка кўтариб бериш учун автоматлашган иш жараёни — «Локал» компьютер тизими яратилди. Тизим кондаги барча ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда кетишини назорат қилиб боради.**

● **Андижон шаҳрида ОИТСга қарши курашиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутахассислар иштирокида ушбу хасталикнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд аҳвол атрофлича муҳокама этилди.**

● **Наманган вилоят ҳокимиятининг ташаббуси билан шаҳарда халқ таълими ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик давомида бир қатор корхона ва ташкилотлар ўқувчилар учун китоблар, компьютерлар олишди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ички ишлар идоралари ходимлари билан биргаликда профилактика ишларини амалга оширмоқдалар, ўқувчиларнинг ота-оналари билан учрашмоқдалар. Шунингдек, дарсларда илғор таълим бериш усулларидан фойдаланаётган педагоглар рағбатлантирилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

● **Германиянинг Мюнхен шаҳрида хавфсизлик бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Уч кун давом этган долзарб мавзудаги мазкур анжуманда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг ҳукуматлари, раҳбарлари иштирок этди.**

● **Бугун Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Т.Хаммарберг Абхазияга келди.**

● **Ироқ маҳаллий кенгашлари учун бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Айни дамгача бюллетенларнинг 90 фоизи ҳисоб-китоб қилиб бўлинди. Унинг натижаларига кўра, мамлакат Бош вазири Нури ал-Маликий тарафдорлари устунликка эришган. Олий сайлов комиссияси вакилининг айтишича, ҳали ҳисоб-китоб қилинмаган ўн фоиз бюллетеннинг натижалари коалиция устунлигига дахл қила олмайди.**

● **Кеча Колумбиянинг шимолий-ғарбий қисмида мамлакат полицияси 6 тоннадан ортиқ героин гиёвандлик моддасини мусодара қилди.**

● **Шри-Ланка ҳукумати «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» ҳаракати билан музокара олиб боришдан бош тортди. Мудофаа вазирлиги котиби Гудабха Ражабакснинг баёнотига кўра ушбу ҳаракат билан музокара қилишга ҳожат йўқ, улар тўлиқ таслим бўлиши керак. Бу гуруҳ ҳеч қандай сиёсий имкониятга эга бўлмаслиги лозим.**

● **Австралиянинг бир нечта штатида кучли ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. 50 даражали иссиқ ҳарорат ва кучли шамол ёнғиннинг борган сари кенгайишига имкон яратаётган бўлиб, ҳозиргача 300 минг гектар ўрмон куйиб кул бўлди.**

● **56 ёшли америкалик аёл Женнифер Фиги 24 кун давомида Атлантика океанидан сузиб ўтган ҳолда аёллар ўртасида ўзига хос жаҳон рекордини ўрнатди. Эндиликда у Кариб денгизидан сузиб ўтиш ниятида.**

● **Россияда грипп эпидемияси бошланди. Шу муносабат билан Калининграддаги мактабларда ўқиш бекор қилинди. Москва шаҳрида ҳам грипп зудлик билан тарқалиб бормоқда.**

● **Хитойнинг Шанси вилояти шифокорлари январь ойида парранда гриппига чалинган 3 ёшли қизалоқни даволашга муваффақ бўлдилар. Вилоятда 8 киши бир вақтнинг ўзида бу касални юқтирган экан. Қизча H5N1 вирусига чалинганлар орасида соғайган ягона бемор ҳисобланади. Лекин шифокорлар қизча бутунлай соғаймагунича ҳеч қандай баёнот бермоқчи эмаслар.**

## «СЛОВО» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**ПОРТУГАЛИЯДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «СЛОВО» ҲАФТАНОМАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН – ПОРТУГАЛИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЕТАКЧИ ҲАМКОРИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

2001 йил август ойидан буён 30 минг нусхада чоп этиб келинадиган «Слово» газетаси Португалияда, жумладан, Мадейра ва Азор ороллари ҳамда Италия ҳудудида тарқатилади.

«Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ, дунёвий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида эътиборга лойиқ муваффақиятларга эришди, — деб бошланади мақола. — Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти фаол суръатда ривожланмоқда. Амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида сўнгги тўрт йил ичида мамлакат иқтисодиёти барқарор юксалиш йўлидан бормоқда. Сўнгги йиллар давомида республикада ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш даражаси 7 фоиздан ошди.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиши аниқ мақсадга йўналтирилган бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, соҳалар ва корхоналарни янгилаш ҳамда техникавий қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган янги рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш, шу билан бирга, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити орқали таъминланмоқда».

Мақолада кўплаб дунё мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгайиб бораётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги ва хориждаги молиявий манбаларга боғлиқ эмаслиги билан ажралиб тургани таъкидланади.

Нашр мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш концепцияси изчил амалга оширилаётгани, хусусан, 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунлар кучга киргани ҳақида маълумот беради.

Мақолада Ўзбекистон — Португалия муносабатлари, жумладан, юртимиз Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси икки мамлакат ташқи сиёсий маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувларнинг биринчи раундида иштирок этиш учун Лиссабонга ташриф буюрганига алоҳида эътибор қаратилган. «Ўзбекистон Португалия билан мунтазам равишдаги сиёсий ҳамкорлик ўрнатган Марказий Осиё минтақасидаги биринчи ва бугунги кунда ягона мамлакат ҳисобланади», — дейилади мақолада.

**«Жаҳон» АА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМЛАР, МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ-МАСЛАҲАТЛАШУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев бошқарган мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги иш кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандининг рус тилидаги матнига асосан қўшилган қиймат солиғидан "китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи реализация қилиниши" обороти озод этилади. Ушбу банднинг ўзбек тилидаги матнида рус тилидаги "оптовая реализация" сўзлари "улгуржи савдо" (оптовая торговля) деб белгиланган. Шундай қилиб, қўшилган қиймат солиғидан ўзбек тилидаги матнга асосан "улгуржи савдо" обороти озод этилса, рус тилидаги матнга асосан эса "улгуржи реализация қилиш" обороти озод этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида "реализация қилиш" ва "савдо фаолияти" тушунчаларига таърифлар берилган. Уларга мувофиқ реализация қилиш – сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Савдо фаолияти – қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишни назарда тутади.

"Улгуржи реализация қилиш" тушунчаси "улгуржи савдо" тушунчасидан кенгроқ бўлиб, ўз ичига улгуржи савдо, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш, айирбошлаш, беғараз бериш ва бошқаларни қамраб олади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2008 йил 1 январгача амалда бўлган таҳририда ҳам айнан шу ҳолатни ўзида акс этган 71-модда 32-бандининг ўзбек тилидаги матнида "реализация қилиш" атамаси қўлланилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тиллари матнларидаги мавжуд номувофиқлик унинг амалда қўлланилишида хатоликларга олиб келаётганлиги сабабли уни бартараф қилишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ЮНУСОБОД ТУМАН БЎЛИМЛАРИ, ЮНУСОБОД ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИКДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ТОШКЕНТ КЕЧА ВА БУГУН» МАВЗУИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИШДИ.**

*Музейларда*

# ТОШКЕНТ КЕЧА ВА БУГУН

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими вакиллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳаллалар фаоллари, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар ўқитувчи-тарбиячилари иштирок этган маърифий тадбирни очар экан Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари профессор Иброҳим Абдуғаниев «Тошкентнинг мўътабар қадамжолари» мавзуида тўхталиб, бугунги кунда ёшларимизнинг Ватанимиз тарихи ва миллий қадриятларимизни ўрганишларига муҳим эътибор қаратиш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ёқутхон Ражабова «Юнусобод оқтепаси» маҳалласи тарихи хусусида маълумот берди, ёшлар тарбияси, тарихимизга муҳаббатни кучайтиришда маҳаллаларнинг ролига йиғилганларнинг эътиборини қаратди.

«Тошкент — 2200 ёшда» мавзуида маъруза қилган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи раҳбари Жаннат Исмоилов кўҳна Тошкентнинг бетакрор обидаларию бугунги кундаги замонавий қиёфаси ҳақида тўхталиб, бу ҳақда слайдлар орқали кенг маълумот берди, Мустақиллик шарофати билан шаҳримиз қиёфасида кузатилаётган янгиланишларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилди. Пойтахт тарихи мавзусига эътибор қаратар экан, Тошкентнинг 12 та тарихий дарвозасига алоҳида урғу берди.

Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимованинг келгуси авлодни она-Ватанимиз, шаҳримизни қадрлаш, тарихимизни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг вазифалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Маънавий-маърифий тадбир сўнгида «Тошкент кеча ва бугун» мавзуидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди, иштирокчилар музейдаги пойтахтимиз тарихига оид ноёб экспонатлар билан танишишди.

Ўйлаймизки, бу каби маънавий-тарбиявий мазмундаги тадбирларнинг ёш авлод камолоти йўлидаги аҳамияти катта ва келгусида албатта ўзининг тотли мевасини беради.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**







**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон тарихи Давлат музейидаги тадбирдан лавҳалар**

*Ўқув масканларида*

# ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРИМИЗ ЎРНИ ФАОЛЛАШМОҚДА

**КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КОЛЛЕЖИДА «АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЎРНИ ВА РОЛИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар ва Ҳамза туман кенгашлари томонидан уюштирилган мазкур тадбирда мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятда тутган ўрни фаоллашиб бораётганлиги, жумладан, тадбиркорлик бобида ҳам кенг фаолият юритаётганлиги ва бу борада давлат томонидан ҳар томонлама имкониятлар очиб берилганлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга бугунги кунда аёллар нафақат ижтимоий ёки иқтисодий, балки сиёсий жабҳаларда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигига ҳам урғу берилди. Айнан шу маънода айниқса сайлов жараёнларида хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш имкониятларидан янада самарали фойдаланиш масаласига эътибор қаратилди. Зеро, таъкидлаб ўтилганидек, аёллар республикамиз аҳолисининг ярмидан ортиғини ташкил этаётган бир вақтда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида турли соҳаларни қамраган ҳолда фаол иштироки демократик жамият қурилишида муҳим омил бўлиб қолади.

Бу мавзудаги давра суҳбатининг Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ихтисослашган ўқув юртида ўтказилиши бежиз эмас. Фақат қизлардан иборат бўлган коллежимиз ўқувчилари келажакда, шубҳасиз, турли йўналишдаги касб соҳиблари бўладилар ва ажаб эмаски, бўлажак тадбиркорлар, ишбилармонлар, сиёсатчилар бизнинг орамиздан ҳам чиқади. Бу борада ҳозирги кунда қизлардаги ташаббускорлик, тадбиркорлик каби хислатларни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани шу боисдандир.

Тадбир ўзаро савол-жавоблар, фикр-мулоҳазаларга, турли таклифларга бой бўлди.

**Зилола МУҲАММАДАЛИЕВА,**
**Тошкент ихтисослашган хотин-қизлар коллежининг 3-босқич ўқувчиси**

*Иқтисодиёт*

# МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

**МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН, АЛБАТТА ТАШҚИ БОЗОРНИ ЎРГАНГАН ҲОЛДА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН, ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ТОВАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ. БУНДА ЮҚОРИ СИФАТ ҲАМИША НАЗОРАТДА БЎЛИШИ КЕРАК.**

Ана шундай рақобатбардош маҳсулотларини халқ хўжалиги тармоқларига етказиб бераётган ҳамда экспорт ҳажмини йилдан йилга ошираётган корхоналардан бири «SHARQ PLAST SERVIS» масъулияти чекланган жамиятида халқаро андозалар даражасидаги полимер қувур ҳамда сантехника жиҳозлари «Polimer droup» савдо белгиси остида тайёрланмоқда.

Корхонада замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган полимер қувурлар газ ва сув хўжалигида ниҳоятда қўл келиб, маҳсулотнинг кафолат муддати 50 йилни ташкил этади. Германиядан келтирилган автоматлашган линияларни моҳирлик билан бошқараётган мутахассислар сифатга эътибор қаратишади, маҳсулот турларини талабларга кўра ошириб бормоқда.

Маҳсулот тайёрлашда асосан маҳаллий «Шўртангаз» кимё мажмуаси ҳамда Жанубий Корея ва Германиядан келтирилган хорижий хом ашёлардан самарали фойдаланилмоқда. Буюртмага кўра турли диаметрдаги — катта ва кичик ҳажмдаги қувурлар тайёрланади. Энг муҳими эса ўрнатишга қулай ва ташишда енгил бўлган ушбу маҳсулот афзалликлари билан харидорларни жалб этмоқда.

Корхона маҳсулотларининг харидорлари ҳам ички, ҳам ташқи бозорда мавжуд бўлиб, ўтган даврда «Аммофос» кимё заводи, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари сингари йирик корхона ва кўплаб ташкилотларнинг буюртмалари муваффақиятли адо этилди. Шунингдек, тадбиркорлар тайёрлаётган қувурларга Россия, Қозоғистон ҳамда Тожикистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Корхона мутасаддиларининг келгуси режалари сирасига эса цехларга янги замонавий технологик линияларни ўрнатиш асносида полимер қувурлар ҳамда сантехника жиҳозлари турларини кўпайтириш, шу асосда экспорт ҳажмини ошириш киради. Албатта, янги линиялар ишга тушгач қўшимча ишчи ўринлари ҳам ташкил этилади.

# КАСАНАЧИЛАР САФИ ОРТАДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТУФАЙЛИ ПОЙТАХТИМИЗДА ҲАМ КАСАНАЧИЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.**

2006 йилда иш бошлаган «Хатирахоним» масъулияти чекланган жамияти ички бозорни сифатли кийим-кечаклар билан таъминлашга ҳисса қўшиш, шунинг баробарида мижозлар буюртмаларини сифатли бажариш мақсадида ташкил этилган.

— Корхонамиз асосан касаначилик асосида иш юритади, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари, тадбиркор аёл Нафиса Раззоқова. — Маҳаллалардаги тикувчи аёлларни танлов асосида ишга қабул қилганмиз. Бу, албатта сифатли маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш ҳамда мижозларга намунали хизматни ташкил этишда қўл келмоқда. Уйда ўтириб касаначилик асосида буюртмаларни бажараётган чеварларимиз тикув дастгоҳлари ва хом ашё билан таъминланмоқда. Бу, албатта уларга катта қулайлик бўлиб, ўз хонадонларида, оиласи, болаларидан кўнгли тўқ ҳолда баракали ишлашади. Келгусида корхонамизни кенгайтириш, буюртмаларни кўпайтириш ҳисобига касаначилар сафи ортишига эришамиз.

Ҳозирда тадбиркор жамоа аҳли турли ташкилот ва муассасалардан буюртмалар қабул қилиб, уларни муваффақиятли уддалашмоқда. Шунингдек, дизайнер-модельерларнинг изланишлари боис замонавий услубдаги ҳамда шарқона либослар тайёрланмоқда. Бу ерда хорижий тикув машиналаридан самарали фойдаланиб тайёрланаётган эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари харидорларни мамнун этмоқда.

# БЕШИНЧИ АВЛОД ВАКИЛИ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ УМРБОҚИЙ ҲУНАРЛАРИ АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА ЎТИБ ЭЪЗОЗЛАНМОҚДА. ЁШ ҲУНАР СОҲИБЛАРИ ОТА-БОБОЛАРИ ҲУНАРИ СИРЛАРИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШ БАРОБАРИДА УЛАРНИ ЗАМОНАВИЙЛИК БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИБ БОЙИТМОҚДА, УНУТИЛИБ КЕТГАН НУСХАЛАРИНИ ТИКЛАШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА.**

Сандиқсоз уста Рустам Қосимов ҳам пойтахтимиздаги Қосимовлар сулоласининг 5-авлод вакили ҳисобланади. У ёш бўлишига қарамай отаси Убайдулла Қосимовдан сандиқсозлик ҳунарини кунт билан ўрганди, бошқа устозлари ўгитига ҳам амал қилди. Шу боис бўлса керак бугунги кунда у ясаган сандиқ ва сандиқчалар, эсдалик учун яратилган қутичалар ўзининг алоҳида жозибасига эга. Рустам ҳозирда «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатиб, сандиқсозликнинг Тошкент услубида ишламоқда. У ўзи ясаган сандиқларни безашда қуббали, найзали, бодом гулли йўналишлардан фойдаланади.

— Ушбу ҳунарга болалигимдан меҳр қўйдим, — дейди Рустам Қосимов. — Чунки устахонада ҳамиша отамнинг ишларига кўмак берардим. Керак бўлиб қолганида нақшларни бўярдим. Албатта, ушбу ҳунарни эгаллаганимдан жуда хурсандман. Мустақил юртимизда ҳунармандчилик ривожига қаратилган эътибор, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳунармандларга берилган имтиёзлар, кўрик-танлов ва турли кўргазмалардаги рағбатлантиришлар мени руҳлантиради.

Бугунги кунда янги турдаги маҳсулотлар устида тинмай изланаётган Рустам Қосимов халқаро ярмаркаларда иштирок этиш ниятида. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, у «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида муваффақиятга эришган.

**Нозима АКРОМОВА**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР СОҒЛИГИ — КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН «СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА» ҲАРАКАТИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУНДАН АСОСИЙ МАҚСАД СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ШУ АСОСДА ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ НУРИЯ ТУРЕЕВА ЎЗА МУХБИРИГА УШБУ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРДИ.**

— Давлатимиз раҳбари шу йил 16 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида келажак авлоднинг соғлом бўлиши аввало аёлга боғлиқ эканини таъкидлади. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларга билим олиш ва касб эгаллаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиш учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фақат билимли, ўз соғлиги ва оиласи ҳақида ғамхўрлик қиладиган, келажакка интилган аёл вояга етганида халқимиз орзу-умидларини оқлайдиган фарзандларни тарбиялаши мумкин.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли, мислсиз ишлар бажарилди, бир қатор муҳим давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизлар ва болалар манфаатларини рўёбга чиқариш, жисмонан соғлом, маънан баркамол ёш авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши, оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шароитларни яратмоқда. Мазкур йўналишдаги хайрли ишларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ушбу ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

**— Бугун бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Хотин-қизлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ушбу йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришишда хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла маслаҳатчилари ўртасида мутахассислар билан суҳбатлар, турли семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, аҳоли иштирокида уюштирилаётган бошқа тадбирларда ҳам "Соғлом она – соғлом бола" ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳар томонлама очиб берилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси соғлом оналик ва болаликни тарғиб қилиш бўйича ҳам изчил ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Хавфсиз оналикни таъминлашга кўмаклашиш, хотин-қизларда касалликларнинг олдини олиш, ёш оналарда чақалоқни парваришлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш шулар жумласидандир. Хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб этишга оид оммавий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ва фарзандларни, етим болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда улар республикамиздаги сиҳатгоҳ ва соғломлаштириш оромгоҳларига бепул даволаниш учун юборилмоқда.

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатликни сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг, ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишга доир билимларини ошириш ҳам муҳим вазифалардандир. Шу мақсадда Хотин-қизлар қўмитаси ўтган йили мамлакатимиздаги барча коллеж ва лицейларда 22 мингдан ортиқ савол-жавоб кечалари, учрашув ва суҳбатлар ташкил этди. Соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган ушбу тадбирларда соғлом авлоднинг туғилиши ва уни тарбиялаш тўғрисидаги видеоматериаллар намойиш этилди. Шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси ёшларнинг ўз соғлигини қандай сақлаш мумкинлиги тўғрисидаги билимини оширишдаги фаоллигини рағбатлантириш учун ҳар йили ўқув юртларида мавзуга доир викториналар, фото танловлар, расм ва иншо танловларини ўтказиб келмоқда.

Бундай тадбирлар, шу жумладан, репродуктив саломатлик масалаларига тааллуқли тадбирлар Ички ишлар ва Мудофаа вазирликларининг барча ҳарбий қисмларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилди. Ҳарбий хизматчилар орасидан гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича 300 нафардан ортиқ мураббий тайёрланди. Энди улар ўз тенгкурлари билан "тенгма-тенг" тамойили асосида мустақил машғулотлар ўтказмоқда.

Скрининг-марказлар ва даволаш-профилактика муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳамда ўқув юртларида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш ҳар бир оила ҳамда жамиятимиз учун нечоғли аҳамиятли эканини, бундай болаларнинг туғилишига кўпроқ қариндошларнинг турмуш қуриши сабаб бўлаётганини тушунтириш ишлари йўлга қўйилди. Ўтган йили мамлакатимизнинг олти ҳудуди – Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари оилавий таълим дастури доирасида мурғак ёшдаги болаларни парваришлаш, гигиена маданиятини ошириш, репродуктив саломатликни сақлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўқитилди.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари – хотин-қизлар қўмиталари раислари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда уларнинг оналик ҳамда болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги кўникмаларини оширишга қаратилган курслар ташкил этилди.

Юқорида айтилганидек, "Соғлом она – соғлом бола" ҳаракатини кенгайтириш борасидаги фаолиятнинг самарали шаклларидан бири танловлар ўтказишдир. 2008 йилда Хотин-қизлар қўмитаси шаҳар, туман ва вилоятлар даражасида ҳаракатнинг мақсад, вазифа ҳамда аҳамиятини тарғиб қилишнинг энг яхши услублари бўйича икки босқичли танлов ташкил этди. Ҳар бир вилоятда ўтказилган бундай танловда уч минг нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашди. Энди улар ўз соғлигини қандай асраш ва яқинларининг соғлигини мустаҳкамлаш ҳақида етарли маълумотга эга бўлибгина қолмай, эгаллаган билимини маҳаллалар, меҳнат жамоаларида тарғиб қилмоқда.

**— Оилавий таълим дастури нечоғли кенг амалга оширилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Дастурнинг асосий мақсади маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллаларни жалб этган ҳолда, оилаларнинг имкониятларини кенгайтириш, тиббий маданиятини юксалтириш орқали фарзандларни гўдаклигидан тарбия қилиш кўникмаларини янада кучайтиришдир. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) кўмагида республикамизнинг 6 ҳудудида оилавий таълим дастури бўйича мувофиқлаштириш қўмиталари ташкил этилди. Ушбу дастур бўйича ўқувда нафақат жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари, балки маҳаллалар маслаҳатчилари, жамоатчилик ҳаётида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар ҳам иштирок этмоқда. Дастур мавзулари бўйича ўтган йили уларнинг орасидан 3600 нафардан ортиқ кўнгиллилар, қишлоқ врачлик пунктларида ишлайдиган қарийб 1300 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тайёрланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, аҳолининг ушбу масалалар юзасидан ҳуқуқий маданиятини ошириш хотин-қизлар ва болалар саломатлигини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, уларда хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар маслаҳатчилари фаол иштирок этмоқда. Улар миллий қонунчилигимиз, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга доир халқаро ҳужжатларни тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил қилмоқда. Жойлардаги хотин-қизлар ташкилотларининг раҳбар ва фаоллари Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) кўмагида ташкил этилган ўқув дастури бўйича ўз билимини оширди ва бу борада барча зарур маълумотга эга бўлди. Шунингдек, улар тегишли ахборот материаллари билан ҳам таъминланди. Шу ўринда айтиш керакки, Хотин-қизлар қўмитаси "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ва БМТнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ташкилотлари билан ҳамкорликда соғлом она ва бола масалаларига бағишланган 80 мингдан ортиқ рисола, кўргазмали қўлланма ва бошқа нашрлар тайёрлаб, бутун республика бўйича тарқатди. Интернетда шу мавзуга оид сайт очилди.

Барча вилоятларда хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ҳаётда учраб турадиган қийин вазиятларда ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёрдам бериш марказлари ташкил этилди. Ускуналар ва ахборот материаллари билан тўлиқ таъминланган ушбу марказларда махсус тайёрланган кадрлар ва ушбу марказлар фаолиятига жалб қилинган кўнгиллилар меҳнат қилмоқда. 2008 йил давомида бу марказлар 3200 нафардан ортиқ хотин-қизга ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, ўтган йили Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ногирон болалар учун шундай реабилитация маркази очилди. Бу каби марказларни ташкил этиш ишлари давом эттирилади.

**— Маълумки, саломатликни асраш ва мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли — спорт билан шуғулланишдир. Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимизда спорт хотин-қизлар ва болалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши учун қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Ўзбекистонда бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлодни спортга оммавий жалб қилиш бўйича уч поғонали тизим яратилди. Нафақат пойтахтимиз, балки чекка туманларда ҳам энг замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, уларда катталар ҳам, болалар ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин. Барча ўқув юртлари яхши жиҳозланган спорт заллари ва иншоотларига эга.

Айниқса, аёллар ва бўлғуси оналар – қизларимизнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши ниҳоятда аҳамиятли. Бу Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Барча вилоятларда бадиий гимнастика, стол тенниси ва бадминтон секциялари ишлаб турибди. Хотин-қизларимизнинг Ўзбекистон Олимпия ҳаракатида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Миллий олимпия қўмитаси ҳузурида "Аёл ва спорт" комиссияси ташкил этилди. Халқаро, республика, шунингдек, вилоят ва туман даражасида ҳам кўплаб мусобақалар айнан хотин-қизлар учун ташкил этилаётир. Бу борадаги ишлар ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган 2,9 миллион нафардан ортиқ хотин-қиз жисмоний тарбия ҳамда спорт билан фаол шуғулланмоқда. Сўнгги йилларда Хотин-қизлар қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда хотин-қизларни спортга янада кенгроқ жалб қилиш муаммоларига бағишланган ўндан ортиқ халқаро семинар ўтказди. Ҳар йили турли мусобақаларда 1,2 миллион нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашмоқда. Бундан ташқари, ўтган йили мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи" деб номланган уч босқичли спартакиадаси, турли ташкилотлардаги хизматчи хотин-қизларнинг "Спорт – саломатлик гарови", олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Спорт – соғлом турмуш тарзи" мусобақалари, шунингдек, "Соғлом қиз – соғлом она" спорт марафони ўтказилди.

Хотин-қизлар қўмитаси 16 январь куни Президент Ислом Каримов раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2009 йил учун тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Жойларда, биринчи навбатда, қишлоқларда қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш масаласи синчковлик билан ўрганиб чиқилади. Зеро, бу уларни жисмоний ва маънавий тарбиялаш йўналишларидан биридир. Қишлоқларда бадиий ва спорт гимнастикаси каби замонавий спорт турларини янада ривожлантириш зарур. Бунда кам таъминланган оилалар қизларини спорт билан шуғулланиш учун керакли спорт кийими ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, вазирлик ва идораларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар спартакиадаси, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, имконияти чекланган болалар учун футбол ҳафталиги, шунингдек, "Аёл ва спорт" мавзуидаги халқаро конференция ҳам 2009 йилда амалга ошириш режалаштирилган тадбирлар сирасига киради.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, турли хасталикларнинг олдини олиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги кенг кўламли ишлар барча йўналишларда комплекс равишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаол иштирокида амалга оширилмоқда. Бу эса, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз аҳолиси, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлигининг самараларидир. Зеро, Ватанимиз келажаги ана шундай соғлом оналар ва болаларга боғлиқ.

**ЎзА мухбири**
**А.ИВАНОВА**
**суҳбатлашди.**

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Нишондорларимиз

# БУ БЎСТОН ГУЛЗОРИДА ИЛМ ИСТАНГ



***МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА ЎЗИНИНГ БОР БИЛИМИ, ИҚТИДОРИ ВА МАҲОРАТИНИ НАМОЁН ЭТИБ КЕЛАЁТГАН ЗАҲМАТКАШ ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАРИМИЗ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. УЛАРНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАРИ ЖАМИЯТИМИЗ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР. БУТУН ҲАЁТИНИ ИЛМГА БАҒИШЛАГАН ВА БОШҚАЛАРНИ ИЛМИ ЗИЁСИДАН БАҲРАМАНД ЭТИБ, ФАНИМИЗ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ИСТЕЪДОДЛИ ВА ЗАҲМАТКАШ НАВОИЙШУНОС ОЛИМА СУЙИМА ҒАНИЕВА ҲАМ ХАЛҚИМИЗНИНГ АНА ШУНДАЙ ФАРЗАНДЛАРИДАНДИР. XX АСР ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИ, НАВОИЙШУНОСЛИГИ ВА МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗ МАТНЛАРИ НАШРИ ИШЛАРИНИ СУЙИМА ҒАНИЕВА НОМИ ВА ФАОЛИЯТИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. ЗЕҲНУ ЗАКОВАТИ ЮКСАК БЎЛГАН ОЛИМАНИНГ ИШЛАРИ ФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗДА ЭМАС, БАЛКИ РОССИЯ, ТУРКИЯ, ЭРОН, ТОЖИКИСТОН, ОЗАРБОЙЖОН КАБИ ХОРИЖИЙ ЎЛКАЛАРДА ҲАМ ЯХШИ МАЪЛУМ. ОЛИМАНИНГ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ ХИЗМАТИ — БУ АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШИ ҲИСОБЛАНАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАШҲУР НАШРЛАРДАН АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 20 ТОМЛИГИНИНГ БИР НЕЧА ЖИЛДИ СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТИ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛДИ. ОЛИМА ЙИГИРМАДАН ОРТИҚ КИТОБ, РИСОЛАЛАР, ТЎРТ ЮЗДАН ЗИЁД ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИДИР. УЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНДА СУЙИМА ҒАНИЕВА КЎП ВАҚТИ ВА КУЧИНИ НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИ ТАДҚИҚИГА БАҒИШЛАГАНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ.***

***МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЗАҲМАТКАШ ОЛИМА СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ БАҲОЛАНИБ, ЮКСАК УНВОН — «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛИГИ ҲАММАМИЗНИ ҚУВОНТИРДИ.***

***БУЮК АЛЛОМА, УЛУҒ МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАВАЛЛУДИ АРАФАСИДА БИЗ АТОҚЛИ ОЛИМА СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ НАВОИЙ ИЖОДИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК ВА ДИЛДАН СУҲБАТЛАШДИК.***

**— Суйима опа, сизнинг кўп йиллик самарали меҳнатларингиз, илмий изланишларингиз — бу Алишер Навоий ижоди билан боғлиқдир. Айтингчи, Навоий ижодини ўрганишни қачондан бошлагансиз?**

— Алишер Навоий ижоди билан 1953 йил Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да шуғуллана бошлаганман. Номзодлик диссертациям мавзуи Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (адабий-тарихий таҳлили) эди. Нима учун Ленинградда деб сўрашингиз мумкин. Чунки ўрта мактабда мумтоз адабиёт, жумладан Навоий 8-синфдан ўқитилар эди. Мен 7-синфдан сўнг Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тайёрлов бўлимининг 2-курсига кириб, ўрта маълумот олган ва 1947 йил шу университетнинг шарқ факультетига кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинганман. Шарқ факультетида ўзбек адабиёти тарихи ўқитилмас эди. Устозларимнинг А.К.Арендс (Тошкент) ва А.Н.Болдирев (Ленинград) охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин, мени Алишер Навоийнинг бетакрор ижодиёти оламига олиб кирдилар. Шундан буён мана 56 йилдирки Навоий билан ҳамнафасман.

**— 1960 йилларда Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан шоирнинг 15 жилдлигини тайёрлашда муносиб улуш қўшган экансиз... Сўнгра 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда ушбу ишнинг катта қисми сизнинг саъй-ҳаракатингизда амалга оширилган экан...**

— Навоий асарларининг 15 томлиги 1963-1968 йиллар мобайнида нашр этилган. Изоҳлашга эҳтиёж йўқ, маълум бир томларда шоир асарлари айрим қисқартишлар билан тайёрланган. 7-том «Фарҳод ва Ширин» тайёрловчи П.Шамсиев, мен — муҳаррир, 12- том- «Мажолис ун - нафоис» нашрга тайёрловчи мен, муҳаррир П.Шамсиев, 13-том-«Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия»ни мен нашрга тайёрлаганман. 15-томда «Насойим ул-муҳаббат»ни ҳам нашрга тайёрловчи мен ва М.Мирзааҳмедова бўлган. Навоий мукаммал асарлар тўплами 20 томликдан — «Фарҳод ва Ширин» (8-т), «Мажолис ун-нафоис» (13-т), «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Назм ул-жавоҳир» (15-том), «Муҳокамат ул- луғатайн» (П.Шамсиев нашри асосида), «Мезон ул-авзон» (И.Султонов нашри асосида), «Арбаъин», «Сирож ул муслимин», «Муножот», (16-том), «Насойим ул-муҳаббат», (М.Мирзааҳмедова билан бирга 17-томларда меҳнатларим маҳсули бор. Мазкур асарларни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрлаганман. «Девони-фоний» (18-19- томлар) изоҳларни зарур ҳолларда берганман. Шунингдек, «Лайли ва Мажнун» ( 9-том)га муҳаррирлик қилганман. Навоий девонларидан ташқари ҳамма асарларига шарҳ, изоҳ, форсча парчаларнинг таржимаси билан берилганлиги 20 томликнинг афзалликларидан биридир ва бу тинимсиз меҳнатлар натижаси ҳисобланади.

**— Алишер Навоий асарларидан нималарни таржима қилгансиз ва улар орасида энг кўп илмий тадқиқ ва ташвиқ қилган асарлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Навоий асарларидан «Мажолис ун - нафоис», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Муножот»ни рус тилига таржима қилганман. Биринчи уч асар Навоий асарларининг рус тилидаги 10 томлигининг 9-томида (Т.1970), кейингиси Москва ва Тошкентда нашр этилган. «Мажолис ун-нафоис» ҳақида кўп мақолаларим чоп этилган. «Ўзбек адабиёти тарихи» (Ўзбек тилида 5-том, рус тилида 2-томда)га ҳам киритилган. «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлар ҳақида ҳам бир нечта мақолаларим босилган. Улар библиография (2002 ва 2007 й) да қайд этилган.

**— Суйима опа, Навоийнинг санъатга бўлган муносабати ҳақида ҳам фикрларингизни айтсангиз...**

— Навоийнинг санъатга муносабатини энг аввало унинг санъаткорлар оиласида туғилгани билан боғлиқ дейиш мумкин. Унинг она томонидан бобоси Абу Саъид Чангий номи билан машҳур бўлгани чанг чолғусини маҳорат билан чалганини кўрсатади. Шунингдек, Навоийнинг тоғаси Муҳаммад Али «Ғарибий» тахаллусида шеърлар ёзиш баробарида кўп соз-чолғуларни яхши чалган, мусиқий илмни билган. Бинобарин, шоирнинг «Наво» сўзидан тахаллус олгани ҳам бежиз эмас. Давлатшоҳ Самарқандий эътирофича Навоий арғанун (сандиқ каби тўртбурчак бўлиб, усти чарм билан қопланган ва торлар тортилган мусиқий чолғу) чалганида ҳамма эшитувчилар беҳуш бўлиш даражасига етар эканлар. Навоий шоир бўлиб туғилган, дунёдаги воқеаларга, ҳодисаларга, замондошларига, асарларига муносабати шоирона бўлган. Шоирона ҳис-туйғу Навоийда бирламчи бўлган. Мана шу нуқтаи назардан олганда Навоийни биз шоир сифатида ўрганишимиз керак. Унинг асарларининг мазмунини чаққанимизда мана шунга эътибор беришимиз керак.

Шоир «Маҳбуб ул-қулуб» да «Кўнгил қуввати хушнавоздин руҳ қути хушовоздин» деб ёзган, ёки шеърларида:

*Муғанний нағмаси жон берса*
*базм аҳлига тонг йўқ,*
*Навоий риштаи жонин эшиб*
*чангига тор этмиш.*

* * *

*Эй муғанний чун ниҳон розим*
*билурсен, соз туз,*
*Тортибон мунглуғ наво созинг*
*била овоз туз,-*

деб ёзиши бежиз эмас, албатта.

**— Сиз кўп йиллардан буён Навоий ижоди билан шуғулланасиз ва чет мамлакатларда бўлиб, Навоий ижодига бағишланган анжуманларда иштирок этиб, маърузалар ўқигансиз. Шулар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Тўғри, чет мамлакатларда Навоий ижодига бағишланган анжуманларда жуда кўп қатнашганман. Бундан ташқари Эрон, Теҳрон (1960-йиллар)да Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сининг 1000 йиллиги, Эрон, Нишопур (2000 йил)да Умар Хайёмнинг 900 йиллигига бағишланган жаҳон конгрессларида ҳам иштирок этганман ва у ерда ўқиган маърузаларим ниҳоясида ғоят қисқа бўлса ҳам Навоийнинг уларга муносабатини ёдга олганман. 1991 йилда Эрон, (Кирмон)да Хожу Кирмонийга бағишланган халқаро анжуманда Хожу Кирмоний «Гавҳарнома»си ва Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»и мавзуида, 2001 йил Туркия (Анқара)да, 2004 йил Хитой, (Пекин)да Навоий ҳақида яна 2008 йил Эрон (Теҳрон)да «Навоий ва Жомий» мавзуида маърузалар билан қатнашганман. Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон Озарбойжон, Арманистон, Қирғизистон, Гуржистон, Татаристон каби хорижий давлатларда ўтказилган конгресс ва конференцияларда ҳам маърузалар ўқиганман. Бундай илмий мулоқотлардан кўп нарса ўрганиб, анчагина дўстлар орттирдим. Кутубхоналарда бўлиб, китоблар харид қилиб қайтганларим ҳамиша ёдимда.

**— Суйима опа, айни кунлардаги фаолиятингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Ҳозирги кунда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабаларга сабоқ бермоқдаман. Аспирант ва магистрларим билан мунтазам учрашиб, улардан маслаҳатларимни аямайман. Шу билан бирга фарзандларим, невара ва эвараларим оғушидаман. Дўстларим, ҳамкасбларим билан дийдорлашиб тураман. Эзгуликка интилиб яшаш, муҳаббат билан ишлашнинг натижаси эл-юрт ҳурматига сазовор қилар экан. Ҳаётимдан беҳад мамнунман.

Шарқнинг буюк шоирларидан бири «Бу бўстон гулзорида дўстлар, яқинлар мададисиз мақсад гулларини териб бўлмайди» деб ёзгани айни ҳақиқатдир. Барча тақдирланишлар ана шу дўстларим мададидан далолатдир.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди**

---

Алишер НАВОИЙ

## ҒАЗАЛЛАР

*Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,*
*Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.*

*Чун масал бўлди сочинг зулм ичра ёшурмоқ не суд,*
*Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машҳур эрур.*

*Телбараб мен то ани кўрмон ажойибдур буким,*
*Ул пари девона кўзидин доғи мастур эрур.*

*Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,*
*Недин эркинким, дами усрук, дами махмур эрур.*

*Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё*
*Дард эли ишқим учун муҳр айлагон маншур эрур,*

*Пар уруб бошингға тутма авжким, ҳар неча мўр,*
*Ким қанотлонғой қачон учмоқ анга мақдур эрур.*

*Гар Навоий сиймбарлар васфин айлаб кўрса ранж,*
*Йўқ ажаб невчунки хом этгон тамаъ ранжур эрур.*

* * *

*Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,*
*Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз.*

*Гоҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нағмасоз,*
*Ваҳки менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз.*

*Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен,*
*Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.*

*Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,*
*Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ дами дилдорсиз.*

*Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача,*
*Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.*

*Топмадуқ гулранг жоми бехумор, эй боғбон,*
*Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.*

*Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,*
*Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хумморсиз.*

---





# НАВОБАХШ ДИЛЛАРДА НАВОИЙ ЯШАР

**УЛУҒ МУТАФАККИР ШОИР, ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НОМИ ВА БЕБАҲО БОЙ АДАБИЙ МЕРОСИ НЕЧА АСРЛАР ЎТСА ҲАМКИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИДАН ЎРИН ОЛИБ, ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА, АЙНИҚСА ЁШ АВЛОДНИ КОМИЛЛИК САРИ ЕТАКЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.**

Куни кеча Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида буюк аллома Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб «То нурга интилиб яшаркан башар, навобахш дилларда Навоий яшар» мавзуида адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди. Кечани мазкур коллеж директори Шовкат Қурбонов кириш сўзи билан очиб, Ҳазрат Навоийнинг нафақат миллатимиз, балки жаҳон адабиётининг йирик намояндаси бўлиш билан бирга, юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлида, шу билан бирга халқнинг илмли бўлиши ҳақида қайғурганлигини қайд этиб, унинг бебаҳо асарларида, одоб-ахлоқ, эзгулик, меҳр-оқибат, ҳалоллик тараннум этилганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Навоий ижодининг ҳали очилмаган қирралари кўплиги, унинг шеърият бўстони кенглиги ҳақида гапириб ўтди.

Аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-мусиқий тадбир коллежнинг 3-курс 312-гуруҳ ўқувчилари ва ушбу гуруҳ раҳбари, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Мавлуда Салахова бошчилигида коллежнинг мусиқа кафедраси ҳамкорлигида тайёрланди. Дастлаб мафтункор «Муножот» куйи янграб, қизлар жозибали рақслари билан тадбирни бошлаб бердилар. Шунингдек, ўқувчилар Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» асаридан, Навоийнинг «Хамса» достонларидан саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб, ғазал ва рубоийларидан ёд олдилар. Кечада иштирок этган шоир Ж.Тўра ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Коллеж ўқувчилари томонидан Навоий ғазали билан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритиб, йиғилганлар қалбига хушнудлик бахш этди.

— Мамлакатимизда улуғ бобокалонларимиз, донишманд алломаларимизнинг номи ва ижодига ҳамиша ҳурмат билан қараб,уларнинг эъзозлаб келинаётганлигини улуғ мутафаккир шоирларимизга кўрсатилаётган эҳтиромдан ҳам билиш мумкин. Зеро, Алишер Навоий сингари алломаларимизнинг бебаҳо адабий мероси бизнинг қалбимиз, онгу шууримизни ёритиб, тафаккуримизни бойитиб келмоқда, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Муҳиддин Тошов. — Навоийнинг ижоди битмас-туганмас билим булоғи, ҳайрат ўчоғидир. Буюк мутафаккир ижодини ҳамиша, ҳар доим ўрганишимиз ва уни қалбимизга жо қилишимиз керак, деб ўйлайман.. Мана шундай алломаларимизга бағишланган тадбирлар ўқув масканларида кўпроқ ташкил этилса, ўйлайманки, ёшлар улар ҳақида кўпроқ маълумотларни билишади, асарларидан воқиф бўлишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: адабий-мусиқий кечадан лавҳалар**

**Владимир Гранкин олган суратлар**

---

# ҲАМШИРАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ШИФОКОРЛАРНИНГ МАЛАКА ВА МАҲОРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТИР.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Бу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда хорижий давлатлардаги етакчи илмий-амалий марказлар билан ҳамкорлик яхши самара бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги /JICA/ билан биргаликда қарийб беш йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш лойиҳаси» бунга мисолдир. Лойиҳа доирасида икки мамлакат мутахассислари иштирокида ўзаро тажриба алмашишга йўналтирилган кўплаб семинар-машғулотлар ва давра суҳбатлари ташкил этилаётир. Элликка яқин мутахассис Японияда малака оширди. Биринчи Республика тиббиёт коллежида ҳамширалик таълимини такомиллаштириш маркази очилди. Юртимиздаги бир қатор тиббиёт коллежлари замонавий ўқув-амалиёт воситалари билан жиҳозланди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди. Мамлакатимиз шифокорлари, тиббий таълим муассасалари педагоглари билан бирга япониялик мутахассислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда ҳамширалик иши асослари, болалар, ўсмирлар ва кексаларга ҳамширалик хизмати кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● АҚШда Ти-эн-эс Фейэнэнж Сервис компаниясининг йиллик маърузаси эълон қилинди. Унга кўра, мамлакатда мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, кейинги йилларда бойлиги бир миллион долларни ташкил қиладиганлар сони 8 фоизга ошиб, салкам 700 минг оилани ташкил этган. Бу ҳолат АҚШга ўз ҳудудига молиявий воситалар, кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозлар сармояларини тўғри режалаштиришни тақозо этади. Шуни таъкидлаш кераккки, маърузага Кениядан кўчиб келган ва Америка фуқаролигини олган, лотерея ўйинида 1,8 миллион доллар ютиб олган 40 ёшли Мосейсе Биттоке киритилмаган.

● Америкалик олим, Калифорния технология институтининг ўқитувчиси Карл Андерсоннинг таъкидлашича, эркак кишининг «энг гуллаган даври» — 26 ёш экан. А.Македонский (И.Зулқарнайн) худди шу ёшида жаҳонни забт эта бошлаган. В.Шекспир ўзининг биринчи асарини ёзган. Леонардо да Винчи эса мўйқалам устаси деб тан олинган. У.Черчелл парламент аъзоси бўлган.

● Тбилисидаги «Саванэ» фирмаси Грузиянинг виночиликка ихтисослашган энг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Фирма ертўласида юзлаб турдаги ноёб ичимликлар сақланади. Улар орасида 360 йиллик вабога қарши рус ароғи, 1886 йилда ишлаб чиқарилган «Мухранули» виноси, 300 йиллик венгер ликёри ва бошқа ичимликлар бор. Бу ичимликлар орасида N ҳарфи босилган коньяк шишаси мутахассислар эътиборини тортди. Кейинроқ маълум бўлишича, салкам юз йилдан буён сақлаб келинаётган ушбу коньякни император Наполеоннинг ўзи тайёрлаган экан. Ичимлик императорнинг ертўласидан «ўлжа» олинган бўлиб, шу вақтгача ҳеч кимнинг эътиборини жалб қилмаганлиги қизиқ.

● Машҳур олим Нильс Бор уйининг дарвозасига тақа осиб қўйилган. Кунлардан бир кун қизиқувчан бир одам олимдан сўради. «Муҳтарам жаноб Бор! Сиз физика ва кимё оламида танилгансиз. Машҳур олимсиз. Атом тузилишини ўргангансиз. Наҳотки ирим-сиримларга ишонсангиз?» «Йўқ, албатта! Аммо, биласизми, тақанинг бир ажойиб хислати мавжуд. У иримларга ишонмайдиганларга ҳам ёрдам беради».

● Мисрлик олимлар Яқин Шарқда биринчи марта ревматоид дардига мубтало бўлган беморларга сунъий бўйин, тизза кўзи ўтказишга муваффақ бўлдилар. Мисрнинг Ал-Қаср Ал-Айний касалхонаси травматолог – жарроҳлари қирқ ёшга чиққан ва ревматоид дарди тизза кўзларини кемириб, адо қилган беморга сунъий тизза кўзи ўтказиш жараёнини муваффақиятли бажардилар. Натижада ревматоид хасталиги юргизмай, бир ерга михлаб қўйган ва ёшлари ҳали 60 га бормаган беморларда тизза кўзларини сунъийсига алмаштириш умиди уйғонди. Чунки бу ёшдан кейин бундай имконият бой берилади, унда кишининг сунъий тизза кўзларини ревматоид дарди эмас, балки бошқа омиллар кемириши ёки емириши эҳтимоллари кўпаяди. Устига устак бу хасталик туфайли оёқ мушаклари ўта заифлашиб қолган бўлади. Сунъий бўғинлар одатда бир неча бўлак ва қисмлардан иборат қилиб тайёрланади, айни чоғда улар турли имкониятларга эга бўлади. Жарроҳлик операцияси чоғида, беморнинг тиззаси очиқ турганида, унга энг мос бўлак ёки шаклларни танлаб қўйиш мумкин бўлади.

● Ҳиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор. Унинг суви ернинг етти ойида шўр, беш ойида эса чучук бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибида ош тузини берадиган хлорли натрий ҳам мавжуд эканки, бу Ҳиндистоннинг марказий ҳудудини туз билан таъминлайди, демакдир. Тожикистоннинг жанубида Хожа-Мўмин деб номланадиган тоғнинг туздан бунёд этилганлигига ҳеч ким ишонмаса керак. Айтишларича, мазкур тоғдан овқат учун туз олинадиган бўлса, бутун ер юзига тахминан юз миллион ерга етар экан.

● Япониянинг Кюсю оролида ярми сариқ, ярми қизғиш рангли кўл бор. Кўлнинг бундай рангларда кўриниши, сув тубида гугурт ва темир кукунлари борлигидан экан. Улар қўшилганда кўл сиёҳ рангига кирар экан.

● Сув қувурларини тузатишдан бўш вақтларда Англиянинг Ньюпорт шаҳарчасида истиқомат қилувчи чилангар Колин Роберт хазина излашни одат қилган. Эҳтимол шунинг учун ҳамдир таниш-билишлари чилангарни бироз ғалатироқ деб ҳисоблашар эди. Бироқ у ноёб археологик топилмалардан бирини очгач, унга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Северснайт қишлоғининг ёнидаги майдонни Колин илма-тешик қилиб кавлаб ташлади. Сабаби эса чилангар тушида айнан шу майдондан бир қанча кумуш тангалар топиб олади. Олдинига Колин бунга унчалик эътибор бермади. Лекин бир қанча муддат ўтгач, туш яна такрорланди. Шундан сўнг у қазиш учун зарур бўлган иш қуролларини олди-да Северснайт қишлоғидаги қирга йўналди ва ҳақиқатдан ҳам мўъжиза юз берди. Биринчи икки кумуш тангани у бор-йўғи 10 сантиметр чуқурликдан топди. Яна чуқурроқ кавлагач, худди шундай олтита тангани топишга муваффақ бўлди. Ўша куни у Рим империяси даврига тегишли 4 мингдан кўпроқ кумуш ва бронза тангаларга эга бўлди. Хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўйган Колин дарҳол миллий музей ходимларига хабар беради. Улар қазилмани текширувдан ўтказишгач, дарҳақиқат чилангар ноёб археологик топилмани очганини эътироф этишди.

● Беларуссия қишлоқ хўжалик академиясининг тажриба майдонида яшаш қобилияти кучли бўлган олма ва голубика кўчатлари пайдо бўлди. Олимлар селекциячиликда кўниктириш ёрдамида радиоактив ва кимёвий моддалар тўпланмайдиган мевали ва резавор экинларни ўстиришга киришдилар. Чернобиль АЭСидаги авариядан жабрланган вилоят хўжаликлари ва аҳолиси учун бундай тадқиқотларнинг ижобий натижалари бебаҳодир. Айни вақтда академияда шундай ўсимликлардан 200 минг туп етиштиришни режалаштирмоқдалар. Олча ва тутни соғломлаштириш ишлари навбатда турибди. Ҳозирдаёқ қурилиши бошлаб юборилган биотехнология маркази ташкил этилиши билан кўчатлар оммавий равишда етиштирилади.

